

УДК: 619.616.993.192.615.084

## ТЕЙЛЕРИОЗДАН ДАВОЛАШДА ИМКАР-120 НИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Каримава Н.У., Гафуров А.Г.

Ветеринария илмий – тадқиқот институти, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

## ЭФФЕКТИВНОСТЬ ИМКАР-120 ПРИ ЛЕЧЕНИИ ТЕЙЛЕРИОЗА

Каримава Н.У., Гафуров А.Г.

Научно – исследовательский институт ветеринарии, Республика Узбекистан, г. Самарканд

## EFFECTIVENESS OF IMKAR-120 IN THE TREATMENT OF THEILERIASIS

Karimava N.U., Gafurov A.G.

Scientific Research Institute of Veterinary Medicine, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: [nivi@vetgov.uz](mailto:nivi@vetgov.uz)

**Резюме.** Аниқланишича, Бравофарма томонидан 100 кг ҳайвон ёзига 2-3 мл дозада ишлаб чиқарилган Имкар-120 қорамолларда тейлериозни даволашда самарасиз, тейлериознинг оғир ҳолатларида еса Теилазид билан биргаликда қўллаш юқори самара беради.

**Калим сўзлар:** *H. Anatolicum*, Имкар-120 препарати, Тейлериоздан даволашда, теиласиде, *H. Detritum*, Қорамолларни тейлериоздан даволашда.

**Abstract.** It has been established that the treatment of theileriosis in cattle Imkar-120 produced by Bravopharma at a dose of 2-3 ml per 100 kg of animal fat is ineffective, while its use in severe cases of theileriosis in combination with Teilasid produced by Jordan is highly effective.

**Key words:** *H. Anatolicum*, Imkar-120, In the treatment of theileriosis, theilazid, *H. Detritum*, In the treatment of theileriosis in cattle.

**Мавзунинг долзарблиги.** Қорамолларнинг тейлериози Республикамизнинг барча ҳудудларида кенг тарқалган бўлиб ундан келаётган иқтисодий зарар касалланган молларни ўлими, касалланиб тузалган молларни махсулдорлигини пасайиб кетиши, келгусида ишлаб чиқаришда яроқсиз бўлиб қолиши ва ветеринария-санитария тадбирларига кетган харажатлардан иборат бўлади.

Республикамиз ҳудудларида тейлериознинг келиб чиқиши иксод каналарининг фаоллик, яъни фаслнинг илиқ даврига тўғри келади. Тейлериозни *Hyalomma avlodiga* мансуб икки эгалик *H. detritum* ва уч эгалик *H. anatolicum* каналари тарқатади. Каналарнинг личинка ва нимфа босқичлари касал ёки касал бўлиб ўтган молларда текинхўрлик қилиши билан бир вақтда уларда бўлган касаллик кўзготувчилари *Th. annulata* ни қабул қилади ва улар каналарни сўлак безларида ўз ривожини топгач келгуси босқичларда соғлом молларда текинхўрлик қилиш билан бир вақтда ўз сўлак безларида бўлган касаллик кўзготувчиларини мол танасига ўтказди. Шундан сўнг 16-21 кунлари молларнинг тана ҳарорати 41-42<sup>0</sup> С гача кўтарилиши, лимфатик тугунларининг 3-6 баробаргача катталаниб кетиши, иштаҳасининг йўқолиши, кавшамай қолиши, ориқлаб кетиши ва шиллик парадаларида анемия ва инфилтрация ҳолатини кузатилиши ҳамда уларда қон кўйилишлар намоён бўлиши билан кузатилади. Бўндай ҳолатда организмда модда алмашинувининг ҳамда гемопоззни бузилиши натижасида

интоксикация ҳолатларини намоён бўлиши натижасида касалланган моллар нобуд бўлади ёки мажбурий сўйилади.



Тейлериоз билан касалланган мол

Шунинг учун ҳам тейлериоздан даволашда замон талабларига мос самараси юқори даражада бўлган восита ва усулларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Тейлериоздан даволашда юртимизда шу кунгача бир неча восита ва усуллар ишлаб чиқилганига қарамадан уларнинг кўпчилиги хорижда ишлаб чиқарилган доривор воситалар бўлганлиги, самараси ишончли бўлмаганлиги сабабли янги ва самаралик восита ҳамда усулларни ишлаб чиқиш зарурияти юзага келди.

Шундан келиб чиққан ҳолда ветеринария амалиётига хориждан кириб келган антипротозой препаратларини бизнинг шароитимизда ва штаммлимизда самарадорлигини ўрганиш

хамда уни ветеринария амалиётига қўллаш учун тавсия қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги тақоза қилинади ва у мавжуд антипротозой препаратлар арсеналини бойитади.

Шу сабабли Украинанинг “Бравафарма” компанияси томонидан ишлаб чиқилиб бабезиоз, тейлериоз, анаплазмоз ва уларнинг аралаш шаклида келадиган касалликларини даволашда тавсия қилинган Имкар-120 препаратини бизнинг иқлим шароитимизда ва штаммлигимизда қорамолларни тейлериозидан даволашда самарадорлигини ўрганишни мақсад қилиб олинди.

**Вазифалар.** Мавжуд муаммони амалга оширишда қўйидаги вазифаларни бажариш мақсадга мувофиқдир:

1. Қорамолларни тейлериоздан даволашда Имкар-120 нинг самарадорлигини экспериментал тажрибаларда аниқлаш;

2. Қорамолларни тейлериоздан даволашда Имкар-120 нинг самарадорлигини спонтан касал молларда аниқлаш.

**Тадқиқот материаллари, услублари ва натижалари.** Имкар-120 стерил ҳолатда оч сарик рангдаги суюқлик бўлиб, шахсан қорамолларни тейлериози ва пироплазмозидан даволашда

молни 1 кг тирик вазнига 2,4 мг/кг, ёки молни ҳар 100 кг тирик вазнига 2,0 мл дан бир мартаба териси остига қўллаш тавсия қилинган. Имкар 120 нинг тейлериоздан даволашдаги самарадорлигини ўрганиш бўйича тажрибалар ҳар гуруҳда 3 бошдан 4 гуруҳ 10-12 ойлик молларда олиб борилди. Тажрибадаги молларни тейлериоз билан ўткир оқимда касалланган молдан олинган қон билан териси остига 10,0 млдан юбориб юктирилди.

Юқтиришдан кейинги кунлар тажрибадаги молларни тана ҳарорати ўлчаниб борилди ва клиник текширувлар ўтказилди. Ҳар куни периферик қон томирларидан суртмалар олиниб, паразитар ҳолати кузатилиб борилди.

Юқтирилгандан кейин 17-18 кунлари тажрибадаги молларда тана ҳароратининг 41,2-41,4<sup>0</sup> С гача кўтарилганлиги, умумий аҳволининг беҳоллашуви, иштаҳасининг йўқолиши, шиллиқ пардаларининг анемия ҳолатига учраганлиги ва ташқи лимфатик тугунларининг 3-4 баробаргача катталашуви намоён бўлди. Периферик қон томирларидан олинган қон суртмаларида эритроцитларни тейлериалар билан 9-11% гача зарарланганлиги кузатилди.

**Жадвал 1.** Тейлериозни даволашда Имкар-120 ва уни тейласиде препарати билан комплексда қўллашдан олинган самарадорлик

Гуруҳ	Бош сони	Клиник белгилари ва паразитар реакция (%)	Даволаш усули	Даволаш натижаси		Самара
				Даволашдан кейин 3 кун	Даволашдан кейин 5 кун	
1	3	T <sup>0</sup> -41,1-41,3 <sup>0</sup> C, лимфа тугунлари каттарган, эритроцитлар тейлериалар билан 9-11 % гача зарарланган	Молни ҳар 100 кг т.в.2,0 мл дан Имкар-120	T <sup>0</sup> - 40,6-40,8, пар.реакц.5-6 %	T <sup>0</sup> - 41,5-40,6 эритроцитлар 5-6 % гача зарарланган	Йўқ
2	3	T <sup>0</sup> - 41,2-41,4 <sup>0</sup> C, эритроцитлар тейлериалар билан 8-9 % гача зарарланганлиги намоён бўлди.	Молни ҳар 100 кг т.в.3,0 мл дан	T <sup>0</sup> - 40,6-40,7 эритроцитлар 4-5 % гача зарарланган	T <sup>0</sup> - 40,4-40,6 параз.реакц 4-5 % гача зарарланган	Йўқ
3	3	T <sup>0</sup> -41,2-41,4 <sup>0</sup> C, эритроцитлар тейлериалар билан 9-11% гача зарарланган.	Молни ҳар 100 кг т.в.2,0 мл дан Имкар- 120 ва 5,0 мл дан тейласид	T <sup>0</sup> -39,8-39,9 умумий аҳволи яхшиланди эритроцитлар тейлер билан 1% гача зарар	T <sup>0</sup> - 39,5-39,6 умумий аҳволи яхши, эритроцитлар тейлериалар билан 0,5 % гача зарарланган	100%
4 (назо рат)	3	T <sup>0</sup> - 41,2-41,4 <sup>0</sup> C, қон суртмаларида эритроцитлар тейлериалар билан 9-10% гача зарарланган	Препарат қўлланилмади	T <sup>0</sup> -41,3 умумий аҳволи коникарсиз, анемия	T <sup>0</sup> -41,2-41,3 умумий аҳволи коникарсиз, анемия, эритроц. 15% зарар.	Йўқ

Шундан кейин 1-гурух молларини тавсия қилинган 2,4 мг/кг, ёки молни ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига 2,0 мл дан, 2-гурух молларини ҳар 100 кг тирик вазнига 3,0 мл дан ва 3 гуруҳ молларини 100 кг тирик вазнига 2,0 мл дан ва шундан 2 соат ўтгач молни ҳар 100 кг тирик вазнига 5,0 млдан тейласиде препаратидан мушаги орасига қўлланилди 4 гуруҳ моллари назорат сифатида даволанмади. Тажрибадаги молларда ҳар куни клиник ва паразитологик текширувлар олиб борилди.

Олиб борилган клиник ва паразитологик текширувлар натижасида тейлериоз билан касалланган молни даволашда молни ҳар 100 кг тирик вазнига 2,0 ва 3,0 мл дан Имкар-120 қўлланилган 1- ва 2-гурух молларида даволашни 2-3 кунлари тана хароратининг меёрлашмаганлиги, организмнинг хомушлиги, иштаҳанинг сустлиги, интоксикация ва анемия холати намён бўлиб туриши билан ушбу препаратнинг тейлериоздан даволашдаги самарадорлиги пастлиги эътироф этилди. Имкар ва Иорданияда ишлаб чиқарилган тейласиде препаратини билан комплекда даволанган 3 гуруҳ молларида даволашнинг 2-куни умумий ахволининг яхшиланиши, тана хароратининг пасайиши ва периферик қон томирларидан олинган суртмаларда паразитар реакциясининг камайиши ва уларнинг деформацияга учраши кузатилди. Назоратдаги 4-гурух молларини умумий ахволи оғирлашиб паразитар реакция юқори даражада бўлди (1-жадвал).

Шундай қилиб, тейлериозни даволашда молни ҳар 100 кг тирик вазнига 2,0-3,0 млдан қўлланилган Имкар-120 ни самарадорлиги паст эканлиги, молни ҳар 100 кг тирик вазнига 2,0 мл дан Имкар препарати ҳамда молни ҳар 100 кг тирик вазнига 5,0 мл дан Иорданияда ишлаб чиқарилган тейласиде препаратини комплекда қўллашдан олинган натижалар ижобий бўлиши аниқланди.

**Хулоса.** Қорамолларни тейлериоздан даволашда молни ҳар 100 кг т. в. 2-3 мл дан қўлланилган Украинанинг бравофарма компаниясида ишлаб чиқарилган Имкар-120 препаратининг самарадорлиги паст, ammo уни Иорданияда ишлаб чиқарилган Тейласиде препарати билан комплекда қўллашдан олинган натижа самаралик бўлиши аниқланди.

#### **Адабиётлар:**

1. Гафуров А.Г. Распространение пироплазмидозов в Зарафшанской долине Ж.Ветеринария, 1996-№3 -17-18б.
2. Пирназаров У. Яккабоғ туманида ветеринария хизмати ва муаммолари Ж.Зооветеринария, 2009., №11.Б.11-12.
3. Имомов Н. Тейлериозни даволашда бутачем ва тейлекс препаратларининг самарадорлиги. Ж.Зооветеринария 2010, № 12 -22-24 б.
4. Гафуров А.Ф., Давлатов Р.Б., Расулов Ў.И. Ветеринария протозоологияси. Самарқанд, 2013-120 б.
4. Расулов Ў.И., Гафуров А.Ф. Тейлериозни даволашда тейлерсан препаратини самарадорлиги. Ветеринария медицинаси-Тошкент, 2018 №9 –Б.21-23.

#### **ЭФФЕКТИВНОСТЬ ИМКАР-120 ПРИ ЛЕЧЕНИИ ТЕЙЛЕРИОЗА**

*Каримава Н.У., Гафуров А.Г.*

**Резюме.** Установлено, что при лечении тейлериоза крупного рогатого скота Имкар-120 производства компании бравофарма в дозе 2-3 мл на 100 кг ж.м.животных малоэффективна, в то время применение его в тяжёлом течении тейлериоза в комплексе с Тейласиде высоко эффективно.

**Ключевые слова:** *H. Anatolicum*, препарат Имкар-120, В лечении тейлериоза, тейлазид, *H. Detritum*, В лечении тейлериоза крупного рогатого скота.